



## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِهِ وَعَلَى آلِهِ وَأَصْحَابِهِ أَجْمَعِينَ أَمَّا بَعْدُ:

### ПАЙҒАМБАРИМИЗ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ СЎНГИ ВАСИЯТЛАРИ (Видолашув ҳаждаги хутбалари)

**Мухтарам жамоат!** Ислом тарихидан маълумки, ўнинчи ҳижрий санада Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг Исломдаги биринчи ва охириги ҳажларини қилдилар. Бу ҳаж “видолашув ҳаж” деб номланишининг сабаби, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ундаги ҳатти ҳаракатлари ва айтган сўзлари билан бу видолашув ва хайрлашув ҳаж экинчи билдирдилар. Ҳақиқатан ҳам, ушбу ҳаждан кейин Расулulloҳ алайҳиссалом икки ойдан озгина ўтиб, бу фоний дунёдан боқий дунёга сафар қилдилар.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламни ҳаж қилишлари хабари тарқагач, Мадина атрофидаги мусулмонлар Расулulloҳ алайҳиссалом билан бирга ҳаж қилишга отландилар. Натижада видолашув ҳажда бир юз қирқ мингдан ортиқ мусулмонлар иштирок этдилар. Бу ўша вақтлар ўлчовида мисли кўрилмаган катта жамоа эди. Мана шу ҳаж асносида Пайғамбаримиз алайҳиссалом Арофотда туриб, биз умматларга Қиёмат кунигача дарс бўладиган, энг муҳим ва зарур масалаларга қисқача тўхталиб ўтдилар. Одатда ота ёки она вафотидан олдин ўз фарзандларига насиҳат қиладиган бўлса, қалбининг энг тўридаги ва унга тугиб қўйган энг қимматли сўзлар билан насиҳат қилади. “Видолашув ҳаж”даги хутбада ҳам Расулulloҳ алайҳиссалом сизу биз умматларига қалбларининг тўридаги қимматбаҳо насиҳатларни қилганлар. Ибн Ҳишомнинг “Ас-сийратун набавия” китоблари асосида ушбу насиҳатдан баъзилари қуйида баён қилинади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

﴿ أَيُّهَا النَّاسُ، اسْمَعُوا قَوْلِي، فَإِنِّي لَا أَدْرِي لَعَلِّي لَا أَلْقَاكُمْ بَعْدَ عَامِي هَذَا بِهَذَا الْمَوْقِفِ أَبَدًا ﴾

яъни: **“Эй, одамлар! Гапларимга қулоқ солинглар, чунки шу йилдан кейин яна бу жойда сизлар билан учрашмаслигимиз мумкин”.**

Дарҳақиқат, бу насиҳат ўнинчи ҳижрий (милодий 631) сананинг Зулҳижжа ойида бўлган бўлса, Расулulloҳ алайҳиссалом ўн биринчи ҳижрий сананинг Рабиул аввал ойи 12 санасида вафот этдилар.

﴿ أَيُّهَا النَّاسُ، إِنَّ دِمَاءَكُمْ وَأَمْوَالَكُمْ وَأَعْرَاضَكُمْ عَلَيْكُمْ حَرَامٌ ﴾

яъни: **“Эй, одамлар! Қонингиз, молингиз ва обрў-эътиборингиз бир-бирингизга ҳаромдир!”.**

Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ушбу муборак насиҳатларидан мусулмоннинг қонини тўкиш, молини ноҳақ ўзлаштириб олиш ва обрўсини тўкиш ҳаром экани маълум бўлади. Афсуски, ҳозирги кунда бу муборак насиҳатдан беҳабар баъзи шахслар гуноҳ иш қилган кишини кофир деб, уни қони ва молини ҳалол санамоқда.

Ваҳоланки, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулulloҳ” деб турган шахсни кофирга чиқариш хатарини бир қанча ҳадиси шарифларида баён қилганлар. Жумладан, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар:

﴿ثَلَاثَةٌ مِنْ أَصْلِ الْإِيمَانِ: الْكَفُّ عَمَّنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نُكْفِرُهُ بِذَنْبٍ وَلَا نُخْرِجُهُ مِنَ الْإِسْلَامِ بِعَمَلٍ﴾  
(رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: **“Уч нарса имоннинг аслидандир. “Ла илаҳа иллаллоҳ” деган кимсага теғмаслик, уни гуноҳи туфайли “кофир” демаймиз, амали туфайли Исломдан чиқармаймиз”** (Имом Абу Довуд ривоятлари).

Ушбу ҳадиси шарифда мусулмон киши бошқа диндошига нисбатан қандай муносабатда бўлиши борасида аниқ ҳукм берилмоқда. Яъни, ҳақиқий мўмин-мусулмон бошқа биродарини гуноҳи туфайли кофирга чиқармаслиги, уни қилган амали сабабли унга “мўмин эмас” деган сўзни айтмаслик лозимлиги уқтирилмоқда.

Шунингдек, Русулulloҳ алайҳиссаломнинг юқоридаги муборак насиҳатларидан хабари йўқ баъзи ёшлар ижтимоий тармоқлар орқали тўғри келган кимсани ғийбат ва бўҳтон қилиб, қанчадан-қанча мусулмонларнинг обрўсини тўкиб, гўё ижтимоий тармоқлар орқали ғийбат ва бўҳтон қилишга рухсат бордек, ҳаром иш қилмоқдалар. Ваҳоланки, ғийбат ижтимоий тармоқда бўладими ёки ундан бошқа жойда бўладими, фарқи йўқ – ҳаромдир.

﴿فَاعْقِلُوا أَيُّهَا النَّاسُ قَوْلِي، وَقَدْ تَرَكْتُ فِيكُمْ مَا إِنْ اغْتَصَمْتُمْ بِهِ فَلَنْ تَضِلُّوا أَبَدًا، كِتَابَ اللَّهِ وَسُنَّةَ نَبِيِّهِ﴾

яъни: **“Шундай экан, эй одамлар, менинг сўзларимга эътибор беринг! Мен сизларга шундай нарсани қолдирдимки, агар уни маҳкам ушласангиз, ҳеч қачон адашмайсиз. Бу нарса – Қуръони карим ва ҳадиси шарифдир!”**

Афсуски, ҳозирги кунда баъзилар ояти карима ва ҳадиси шарифларни ўз раъйларича тафсир ва таржима қилиб, баъзи диний атамаларни нотўғри талқин қилиб, ўзларини ғаразли мақсадларини амалга оширишга урунмоқдалар. Натижада ўзлари адашиб, бошқаларни ҳам адаштирмоқдалар. Ваҳоланки, Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар бизни тўғри йўлга бошлайдиган энг катта ва энг тўғри дастурул амал ҳисобланади. Шунинг учун оятларни тафсир қилиш ва ҳадисларни шарҳлашни ўз раъйимизга топширмасдан, балки саҳобаи киромлар, тобеъинлар ва улардан кейинги мужтаҳид ва улуғ зотларнинг тафсир ва таржималарига мурожаат қилсак, тўғри йўлда бардавом бўламиз, иншаллоҳ.

﴿أَيُّهَا النَّاسُ، اسْمَعُوا قَوْلِي وَاعْقِلُوا، تَعَلَّمَنَّ أَنْ كُلَّ مُسْلِمٍ أَخٌ لِمُسْلِمٍ، وَأَنَّ الْمُسْلِمِينَ إِخْوَةٌ،

فَلَا يَحِلُّ لِأَمْرِي مِنْ أَخِيهِ إِلَّا مَا أَعْطَاهُ عَنْ طَيْبِ نَفْسٍ مِنْهُ﴾

яъни: **“Эй, одамлар! Гапларимга қулоқ солинг ва тушунинг! Биласизки, ҳар бир мусулмон мусулмонга биродардир. Мусулмонлар – ўзаро биродардирлар. Шундай экан, кишига биродари чин кўнглидан рози бўлмагунча, унинг моли ҳалол бўлмайди”**.

Бир қанча ояти карима ва ҳадиси шарифларда мусулмон мусулмонга биродар ва ака-ука экани баён қилинган. Агар биз ушбу илоҳий кўрсатмани яхши тушуниб етсак ва шунга амал қилсак, ўртамизда ҳар хил зиддият, ихтилоф чиқариш, турли кўнгилисиз ҳодисалар ва бир-бирини молини ноҳақ ва турли алдов йўллар билан ейиш бўлмас эди. Афсуски, ҳозирги кунда баъзилар мана шу буюк насиҳатдан беҳабар бўлиб, қандай йўл билан бўлса ҳам, бошқани чув тушуриб, товламачилик қилиб,

ўзини мол-дунёсини кўпайтириш ҳаракатида бўлмоқда. Ваҳоланки, киши топаётган молини ҳалол-ҳаромдан эканига парво қилмаса, уни оқибати ачинарли бўлади. Бу ҳақда ҳадиси шарифда шундай келади.

﴿مَنْ لَمْ يُبَالِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَ الْمَالَ لَمْ يُبَالِ اللَّهُ مِنْ أَيِّ بَابٍ أَدْخَلَهُ النَّارَ﴾ (رواه الإمام الديلمى).

яъни: **“Ким мол-дунёни қаердан топаётганига парво қилмаса, Аллоҳ таоло ҳам у кишини дўзахнинг қайси эшигидан киргизишига парво қилмайди”** (Имом Дайлабий ривоятлари).

﴿وَإِنَّكُمْ سَتَلْقَوْنَ رَبَّكُمْ، فَيَسْأَلُكُمْ عَنْ أَعْمَالِكُمْ، وَقَدْ بَلَّغْتُ، فَمَنْ كَانَتْ عِنْدَهُ أَمَانَةٌ فَلْيُؤَدِّهَا إِلَى مَنْ أُتِمَّتْهُ عَلَيْهَا﴾

яъни: **“Сизлар Парвардигорингизга рўбарў бўласизлар. У сиздан аммалларингиз ҳақида сўрайди. Мен буни сизга етказдим! Кимда омонат бўлса, уни омонат қўйган кишига қайтарсин!”**.

Дарҳақиқат, ҳар биримиз бир кун келиб Аллоҳнинг ҳузурида қилган амалларимиздан сўроққа тутилишимизни эсимиздан чиқармасдан, бу қисқа умримиз давомида кўплаб хайрли амалларни қилиб олишимиз ва бизда кимни омонати ва ҳаққи бўлса, тезроқ ундан халос бўлиб, зиммамиздаги масъулиятни енгиллаштиришимиз лозим. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз нафсини тергаб турган кишини **ақлли, хушёр инсон** деб атаганлар:

﴿الْكَيِّسُ مَنْ دَانَ نَفْسَهُ وَعَمِلَ لِمَا بَعْدَ الْمَوْتِ وَالْعَاجِزُ مَنْ اتَّبَعَ نَفْسَهُ هَوَاهَا وَتَمَّى عَلَى اللَّهِ﴾ (رواه الامام الترمذى).

яъни: **“Ақлли-хушёр киши – ўз нафсини тергаган ва ўлимдан кейинги ҳолат учун амал қилган инсондир. Ожиз одам – нафсини ҳавосига эргаширган ва Аллоҳдан кўп нарсаларни умид қилган кишидир”** (Имом Термизий ривоятлари).

﴿وَإِنَّ رَبَّ الْجَاهِلِيَّةِ مَوْضُوعٌ، وَلَكِنْ لَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ، لَا تَطْلُمُونَ وَلَا تُطْلَمُونَ فَضَى اللَّهُ أَنَّهُ لَا رَبَّاءَ﴾

яъни: **“Жоҳилият давридаги судхўрлик бекор бўлди. Лекин, дастмояларингиз – ўзингизгадир. Зулм ҳам қилмайсиз, зулм қилинмайсиз ҳам. Аллоҳ таоло рибо йўқ, деб ҳукм қилди”**.

Ушбу насихатдан беҳабар баъзи кишилар ўзини “мусулмонман” деб, ҳали ҳам жоҳилият давридаги судхўрлик билан шуғулланмоқда. Масалан, бир кишига бир миллион қарз бериб, шу миқдордан кўпайтириб олади. Бу ишни ҳаромлиги нафақат ҳадиси шарифда, балки ояти каримада ҳам баён қилинган:

﴿الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ...﴾

яъни: **“Судхўр бўлган кимсалар (Қиёмат кунида қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар”** (Бақара сураси 275-оят).

Демак, шариатимизга кўра, қарз берган одам қарзидан ортиғини олиши асло дуруст эмас.

﴿أَيُّهَا النَّاسُ، اتَّقُوا اللَّهَ فِي النِّسَاءِ، فَإِنَّكُمْ إِمَّا أَحَدْتُمُوهُنَّ بِأَمَانَةِ اللَّهِ وَاسْتَحْلَلْتُمُ فُرُوجَهُنَّ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ،

وَاسْتَوْصُوا بِالنِّسَاءِ خَيْرًا، فَإِنَّهُنَّ عِنْدَكُمْ عَوَانٌ لَا يَمْلِكُنَّ لِأَنْفُسِهِنَّ شَيْئًا﴾

яъни: **“Эй одамлар! Аёллар борасида Аллоҳдан қўрқинглар! Чунки сиз уларни Аллоҳнинг омонати ўлароқ олдингиз ва уларни Аллоҳнинг Каломи билан ҳалол қилдингиз. Аёлларга яхшилик қилингиз! Чунки улар сиз учун – ўзларидан бошқа ҳеч нарсага эга бўлмаган ёрдамчидир”**.

Ҳозирги кунда баъзилар аёлларни Аллоҳ таолодан омонат қилиб берилганини унутиб, уларга хоҳлаганича зулм ва номардлик қилмоқдалар. Баъзи номардлар очикчасига: “Сени умрингни охиригача талоғингни бермай, аросатда қолдириб, қийнайман”, – деб пўписа қилади. Бу етмагандек, аслида ўзининг зиммасида бўлган –

болаларининг нафақасини ҳам хотинининг бўйнига юклаб кўяди. Натижада аёл на эрли бўлмай, на эридан ажраша олмай, йиллар давомида сарсон-саргардон қолиб кетмоқда. Ожизаларнинг ҳақлари поймол бўлмоқда. Шунини таъкидлаб айтаманки, мана шу ҳолатда аёл гуноҳ йўлга кирса, зинога қўл урса, у билан бирга номард эр ҳам баб-баробар гуноҳкор бўлади.

Аёллар Исломида она сифатида бениҳоя қадр топдилар. Аллоҳ таолонинг розилиги ота-онанинг розилигида, деб эътиборга олинди. Ҳатто ҳадиси шарифларда ота-онага яхшилик қилишни онадан бошлаш тавсия қилинди. Кунларнинг бирида Муовия ибн Жоҳима ас-Сулабий разияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурларига келиб: “Аллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқчиман”, – деб рухсат сўрайди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом унинг онаси тириклигини билиб, онасига хизмат қилишни буюрадилар. Яна рухсат сўрайвергач, У Зот: “**Барака топгур, волидангизнинг оёғига маҳкам ёпишинг, ўша ерда жаннатни топасиз!**” – дейдилар (Имом Ибн Можа ривоятлари).

﴿أَلَا إِنَّ لَكُمْ عَلَىٰ نِسَائِكُمْ حَقًّا وَ لِنِسَائِكُمْ عَلَيْكُمْ حَقًّا فَأَمَّا حَقُّكُمْ عَلَىٰ نِسَائِكُمْ فَلَا يُؤْتِنَنَّ فُرُشَكُمْ غَيْرَكُمْ، وَلَا يُدْخِلَنَّ أَحَدًا تَكَرُّهُنَّ بُيُوتَكُمْ، وَلَا يَأْتِينَ بِفَاحِشَةٍ، فَإِنْ أَطَعْنَكُمْ فَعَلَيْكُمْ رِزْقُهُنَّ وَكَسْوَتُهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ﴾

яъни: “**Огоҳ бўлинг! Албатта, аёлларингиз устида сизларнинг ҳаққингиз бор ва сизлар устингизда ҳам аёлларингизнинг ҳақлари бор. Аёлларингиз сиздан бошқани хонангизга қўямасинлар ва сизлар ёмон кўрадиган кимсани уйингизга киргизмасинлар ҳамда беҳаё ишларни қилмасинлар! Агар шу ишларда сизга итоат қилсалар, сизнинг зиммангизда уларни меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш мажбурияти бордир**”.

Ҳар бир эр-хотин зиммасидаги шариатимиз томонидан юкланган вазифаларни билиб, шунга амал қилса, икки дунё саодатига мушарраф бўлади. Чунки жуда кўп оила бузилиши ва ажримлар эр-хотин ўзаро ҳақ-ҳуқуқларини билмасликларидан келиб чиқади.

﴿أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ رَبَّكُمْ وَاحِدٌ، وَإِنَّ أَبَاكُمْ وَاحِدٌ، كُلكُمْ لِآدَمَ، وَآدَمٌ مِنْ تُرَابٍ، أَكْرَمُكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَنْقَاكُمْ وَ لَيْسَ لِعَرَبِيٍّ فَضْلٌ عَلَىٰ عَجَمِيٍّ إِلَّا بِالتَّقْوَىٰ، أَلَا هَلْ بَلَغْتُ، أَللَّهُمَّ اشْهَدْ﴾

яъни: “**Эй, одамлар! Парвардигорингиз – бир, отангиз – бир, ҳаммангиз Одам алайҳиссаломдандирсиз! Одам алайҳиссалом эса – тупроқдан эдилар. Аллоҳнинг ҳузуринда энг ҳурматлироғингиз – тақводорроғингиздир! Арабларни аждамлардан афзаллиги йўқ, фақатгина тақвоси билан афзал бўлиши мумкин. Эй одамлар! Етказдимми? Эй, Аллоҳим! Ўзинг гувоҳ бўл!**”

Демак, бизни Парвардигоримиз – бир, Пайғамбаримиз – бир, динимиз – бир, ота-онамиз – бир ва мақсадимиз – бир, яъни – жаннатга кириш – бўлганидан кейин ўзаро иттифоқ бўлиб, тинч-тотув ва роҳат-фароғат билан яшашимиз керак. Шунингдек, шариатимиз буюрган амалларни бажариб, қайтарган нарсалардан сақланиб, тақводор кишилардан бўлиб, молу давлатимиз ёки наслу насабимиз билан асло фахрланмасдан, хайрли ва савобли ишларда бардавом бўлишимиз – айти муддаодир.

Аллоҳ таоло барчамизга Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг мазкур муборак насиҳатларига амал қилиш бахтини насиб қилиб, икки дунё саодатига мушарраф айласин! Омин!

**Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси “Қуръонни тадаббур қилмайдиларми?!...” мавзусида бўлади, инааллоҳ.**